

ТАДБИРКОРЛИК СУБЪЕКТЛАРИ ҲУҚУҚИЙ МАҚОМИНИНГ МАЪМУРИЙ-ҲУҚУҚИЙ ТАБИАТИ ВА ЎЗИГА ХОС ХУСУСИЯТЛАРИ

Шокир Куранбаевич АТАЕВ

Бош юрисконсультант

Урганч давлат университети

Урганч, Ўзбекистон

Аннотация

Ушбу мақолада тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқий мақоми ташкил этувчи маъмурий ва ҳуқуқий жиҳатларнинг мураккаб тармоғи ҳақидаги маълумотлар баён этилган.

Таянч сўзлар: ҳуқуқий ҳолат, тадбиркорлик субъектлари, маъмурий-ҳуқуқий табиат, ҳуқуқий тузилма, чекланган жавобгарлик, юридик шахс, норматив-ҳуқуқий базалар, бизнесни рўйхатдан ўтказиш.

АДМИНИСТРАТИВНО-ПРАВОВАЯ ПРИРОДА ПРАВОВОГО СТАТУСА СУБЪЕКТОВ ПРЕДПРИНИМАТЕЛЬСТВА И ЕГО ОСОБЕННОСТИ

Шокир Куранбаевич АТАЕВ

Главный юрисконсультант

Ургенчский государственный университет

Ургенч, Узбекистан

Аннотация

В данной статье представлена информация о сложной сети административно-правовых аспектов, составляющих правовой статус субъектов предпринимательства.

Ключевые слова: правовой статус, субъекты хозяйствования, административно-правовая природа, правовая структура, ограниченная ответственность, юридическое лицо, правовые основы, регистрация бизнеса.

Мамлакатимизда бозор муносабатларини чуқурлаштириш борасида амалга оширилаётган ислохотлар тизимида тадбиркорлик фаолияти учун ҳар томонлама қулай имкониятлар ва шарт-шароитлар яратиш билан боғлиқ чора-тадбирлар шубҳасиз, муҳим амалий қийматга эга. Зеро, Ўзбекистон Республикасининг Биринчи Президенти Ислон Каримов таъкидлаганидек, «Бугун жойларда иқтисодиётни юксалтириш, замонавий техника ва технологиялар билан жиҳозланган янги корхоналарни барпо этиш ва реконструкция қилиш учун хорижий сармояларни жалб қилиш, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик, хизмат кўрсатиш соҳаси ва касаначиликни

ривожлантириш нечоғлик катта аҳамиятга эга эканлигини кимгадир исботлаб беришга ҳожат йўқ. Бу, авваламбор, аҳоли бандлиги, унинг иш ҳақи ва даромадларини ошириш, бу охир-оқибатда республикамиз ҳудудлари, шаҳар ва туманларимиздаги энг муҳим ижтимоий муамолардан биридир» [1].

Ўтган йиллар мобайнида тадбиркорлик фаолиятини ташкил этиш ва уни тартибга солиш, бу соҳа вакилларининг ҳуқуқ ва манфаатларини таъминлаш, хусусий мулкчиликни кафолатлаш, қулай ишбилармонлик муҳитини яратиш, иқтисодиётни эркинлаштириш билан боғлиқ кўплаб қонун ва қонуности ҳужжатлари қабул қилиниши натижасида мамлакатимиз миллий ҳуқуқ тизимида янги мустақил ҳуқуқ тармоғи – тадбиркорлик ҳуқуқи вужудга келди.

Бироқ тадбиркорлик фаолияти ва у билан боғлиқ ижтимоий муносабатлар кўлами шу қадар кенгки, бу муносабатларни битта ҳуқуқ соҳаси доирасида тартибга солишнинг имкони йўқ. Бошқача айтганда, тадбиркорлик ҳуқуқи бошқа мустақил ҳуқуқ тармоқларидан фарқли равишда оммавий ҳуқуқ ва хусусий ҳуқуқ соҳаларидан «ўсиб чиқди». Шу сабабли тадбиркорлик фаолияти ва у билан боғлиқ ижтимоий муносабатлар фуқаролик ҳуқуқи, молия ҳуқуқи, божхона ҳуқуқи, солиқ ҳуқуқи, жиноят процесси, меҳнат ҳуқуқи ва маъмурий ҳуқуқ каби мустақил ҳуқуқ тармоғи нормалари билан ҳам тартибга солинади ва тадбиркорлик субъектлари кўрсатилган мазкур ҳуқуқ соҳалари доирасидаги ҳуқуқий муносабатларнинг мустақил субъекти ҳисобланади. Шу боис тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқий мақоми ҳуқуқшунослик фанининг долзарб масалаларидан бири сифатида жиддий баҳс-мунозараларнинг объекти бўлиб қолмоқда.

Бундан ташқари, тадбиркорлик субъектлари маъмурий-ҳуқуқий мақомининг туб моҳиятига таъсир этувчи «тадбиркорлик фаолияти» ва «тадбиркорлик субъекти» тушунчалари турли ижтимоий фанлар (масалан, иқтисодиёт, молия, ҳуқуқ, фалсафа, психология фанлари) категорияси бўлганлиги сабабли ушбу тушунчаларнинг таърифлари бир-бирига мос келмайди. Ҳатто, битта фан доирасида ҳам «тадбиркорлик фаолияти» ва

«тадбиркорлик фаолияти субъекти» тушунчаларининг таърифи ҳар доим бир-бирига тўғри келвермайди. Хусусан, Қ. Муфтайдинов ҳам тадбиркорлик фаолияти жуда хилма-хил бўлиши билан бирга, турлича ижтимоий-иқтисодий шароитларда олиб борилиши боисидан иқтисодчи олимлар ва мутахассисларнинг талқинларида бир-бирини инкор этувчи карашлар ҳам учрашини таъкидлайди [2] ва ўз илмий тадқиқотлари натижасида тадбиркорликни бозор иқтисодиётининг бош категорияси, товарлар ишлаб чиқариш ва хизматлар кўрсатиш жараёнида бизнес фаолиятининг энг зарурий интеллектуал омили сифатида хусусий ва бошқа сармояларга асосланган, чекланган ишлаб чиқариш ресурслари асосида хавф-хатар остида хусусий даромад олиш ва жамоанинг ижтимоий манфаатдорлигини таъминлаш билан боғлиқ бўлган ижтимоий-иқтисодий фаолият [3] сифатида, тадбиркорни эса, тадбиркорлик фаолиятини ташкил этувчи, ўзининг интеллектуал билимлари, ташкилотчилик қобилиятидан тадбиркорлик фаолиятида самарали фойдаланувчи инсон омили деб таърифлайди [4]. Р.М. Гайбуллаев тадбиркорликнинг ўз иқтисодий фаолиятини юритишда мустақил равишда ҳаракат қилишидан келиб чиқиб, нафақат ижодий изланувчанликка мойиллик, балки ташкилотчилик, яъни тадбиркорда ўз ишини ташкил этишда мустақил қарор қабул қилиш, фирма ичида янги техника ва технологияни татбиқ этиш, бошқарувни тадбиркорлик нуқтаи назаридан шакллантириш ишларини амалга оширади, деб таъкидлайди [5]. Яна бир иқтисодиётчи олим Н.Бекназов тадбиркорни ўз тасарруфидаги мулкни ишлатувчи, ўзга мулқдан фойдаланиб, товар ишлаб чиқарувчи ёки хизмат кўрсатиш йўли билан пул топувчи шахс сифатида тушунтиради [6]. М.М. Абдурахмонова эса кичик бизнеснинг асосий қатламини ва ўзагини ташкил этувчи хусусий тадбиркорлик – мулқдан фойдаланиш натижасида доимий тарзда фойда олишга, инновацион ғояларни татбиқ этиб, ижтимоий эҳтиёжларни қондириш учун маҳсулотлар (хизматлар, ишлар)ни реализация қилишга ҳамда ишлаб чиқаришга йўналтирилган мустақил фаолиятдир, деб таъкидлайди [7]. Мазкур

иқтисодиётчи муаллифлар тадбиркорлик фаолиятининг «фойда келтирувчи иқтисодий фаолият» эканлигига урғу бериб, таҳлил қилинаётган тушунчаларнинг иқтисодий жиҳатларини ёритадилар, шунингдек, тадбиркорлик субъектини «ташкilotчи», «уддабурон», «ташаббускор» инсон омили сифатида тушунтирадилар. Ҳуқуқшунос олимлар: М.Э. Абдусаломов тадбиркорлик фаолиятининг субъектлари деганда, белгиланган тартибда давлат рўйхатидан ўтган ёки хусусий тадбиркор сифатида рўйхатга олиниб, фаолият юритишга рухсат этилган, ўзига хос мулкига эга бўлган, ўз номига мулкӣ ва мулкӣ бўлмаган ҳуқуқларга ҳамда мажбуриятларга эга бўла оладиган, судда мустақил даъвогар ва жавобгар сифатида иштирок эта оладиган жисмоний ва юридик шахслар тушунилишини таъкидлайди [8].

Ғ.Н. Алиев яққа тадбиркорликка юридик шахс ташкил этмаган ҳолда жисмоний шахс ёки жисмоний шахслар томонидан қонун ҳужжатларига зид бўлмаган ҳолда амалга ошириладиган, таваккал қилиб ва ўз мулкӣ жавобгарлиги остида даромад олишга қаратилган ташаббускор фаолиятини амалга оширишидир, деб таъриф берса [9], З.О. Кувандиков ҳам шу мазмунда фикр билдириб, тадбиркорликни қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда, таваккалчилик асосида амалга ошириладиган фаолият эканлигига ишора қилади [10].

Кўриниб турибдики, мазкур ҳуқуқшунос муаллифлар эса тадбиркорлик фаолиятининг ҳуқуқӣ жиҳатларига, яъни «белгиланган тартибда давлат рўйхатидан ўтганлиги», «фаолият юритишга рухсат этилганлиги», «ўз номига мулкӣ ва мулкӣ бўлмаган ҳуқуқларга ҳамда мажбуриятларга эгалиги», «судда мустақил даъвогар ва жавобгар сифатида иштирок эта олиши», «қонун ҳужжатларига зид бўлмаган ҳолда амалга ошириладиган», «қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда»ги фаолият эканлигига эътибор қаратади.

Тадбиркорлик фаолиятининг юридик хусусиятларини белгилашда унинг иқтисодий жиҳатларини инобатга олиш лозим. Зеро, тадбиркорлик фаолияти, аввало, иқтисодий фаолият ҳисобланади. Бошқача айтганда,

тадбиркорлик фаолиятининг иқтисодий жиҳатлари унинг юридик жиҳатларига нисбатан бирламчи хусусиятга эга.

Шундай қилиб, В.С. Белых тўғри таъкидлаганидек, тадбиркорлик ҳуқуқи субъектлари тармоқлараро комплекс тушунча ҳисобланади [11].

Ю.П. Каширина шахс ҳуқуқий мақоми қуйидаги тўртта: умумий (конституциявий), соҳавий, махсус ва индивидуал даражага бўлинишини таъкидлайди [12]. Шу маънода тадбиркорлик субъектларининг маъмурий-ҳуқуқий мақоми соҳавий мақомга киради.

Тадбиркорлик субъекти тушунчасининг мазмунига концептуал даражада таъсир этувчи «иқтисодий фаолият», «хўжалик фаолияти» ва «тадбиркорлик фаолияти» тушунчаларининг ўзаро муносабатлари бўйича ҳалигача илмий адабиётларда ҳам, ўқув адабиётларида ҳам яқдиллик мавжуд эмас. Ҳатто, кўп ҳолларда ушбу тушунчалар синоним сифатида эътироф этилмоқда. Қонун ҳужжатлари таҳлили ҳам ушбу тушунчалар муносабатини аниқлаштирувчи норма мавжуд эмаслигини кўрсатади.

Бошқа постсовет мамлакатлари сингари Ўзбекистонда ҳам тадбиркорлик ҳуқуқининг вужудга келиши хўжалик ҳуқуқи асосига бориб тақалади. Шу сабабли, дастлаб «хўжалик (тадбиркорлик) ҳуқуқи» тушунчаси муомалада ишлатилган бўлса, ушбу мамлакатларда қисқа йиллар ичида бозор муносабатларининг иқтисодий ва ҳуқуқий асосларининг изчил яратилиши натижасида тадбиркорлик ҳуқуқий асослари ривожланиб, такомиллашиб, эндиликда хўжалик ҳуқуқидан алоҳида ажралиб чиқди. Ҳатто тадбиркорлик фаолиятининг ҳуқуқий асослари хўжалик ҳуқуқининг ҳуқуқий асосларига қараганда анча кенг массивни ташкил этмоқда. Шу муносабат билан кейинги йилларда «тадбиркорлик (хўжалик)» ҳуқуқи тушунчаси кенгроқ ишлатила бошланди.

С.П. Морознинг «иқтисодий фаолият», «хўжалик фаолияти» ва «тадбиркорлик фаолияти» тушунчаларининг ўзаро муносабатлари ҳақидаги қуйидаги фикри эътиборли. Унинг таъкидлашича, тадбиркорлик фаолияти

хўжалик фаолиятининг бир тури, хўжалик фаолияти эса, ўз навбатида, иқтисодий фаолиятнинг бири тури ҳисобланади [13].

Хуллас, «хўжалик фаолияти» ва «тадбиркорлик фаолияти» тушунчаларининг муносабатларини «ҳар қандай тадбиркорлик фаолияти хўжалик фаолияти ҳисобланади, аммо ҳар қандай хўжалик фаолияти тадбиркорлик фаолияти ҳисобланмайди» деган қоида асосида тушуниш лозим. Чунки хўжалик фаолияти ўз мазмунига кўра, иқтисодий хусусиятга эга бўлиб, мавжуд эҳтиёжларни қондиришга қаратилган маҳсулот ишлаб чиқариш, ишларни бажариш ва хизматлар кўрсатишга қаратилган ҳар қандай фаолият ҳисобланса, тадбиркорлик фаолияти эса қонун билан рухсат берилган субъектлар томонидан давлат рўйхатидан ўтган ҳолда қонун ҳужжатларига мувофиқ амалга ошириладиган, таваккал қилиб ва ўз мулкий жавобгарлиги остида даромад (фойда) олишга қаратилган ташаббускор хўжалик фаолияти ҳисобланади.

Тадбиркорлик фаолиятини амалга оширишда оммавий ва хусусий ҳуқуқий воситалар чамбарчас боғлиқ бўлади. Ўтган асрнинг 80-йиллари иккинчи ярмида «чайқовчиликнинг қонунийлаштирилган шакли» сифатида қарор топган [14] ва бугунги кунда ҳуқуқий муносабатларнинг фаол субъектига айланган тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқий мақоми мураккаб хусусият касб этади.

В.В. Лаптев тадбиркорлик субъектларининг қуйидаги тўртта белгисини алоҳида ажратиб кўрсатади: барча тадбиркорлик субъектлари тегишли ҳуқуқ соҳасига оид ҳуқуқ ва мажбуриятларга эга бўлиши; мулкка эга бўлиши, унинг фаолияти иқтисодий базадан ташкил топганлиги; ўз мажбуриятлари бўйича жавобгарлиги; давлат томонидан рўйхатга олинishi [15].

Дарҳақиқат, тадбиркорлик субъектларининг маъмурий-ҳуқуқий мақомини тушунишда уларнинг мулкий хусусиятларини, фаолиятининг мулкий характерга эгаллиги ва асосий мақсади ҳам мулкий фойда кўришга қаратилганлигини эътиборга олиш лозим.

Давлат тадбиркорлиги ҳақида кенг ва тор маънодаги қарашлар ҳамда тезислар мавжуд. Кенг маънода давлат тадбиркорлиги – бу иқтисодиётдаги давлат сектори бўлса, тор маънодаги тадбиркорлик фаолияти эса – бу давлат органларининг тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланишидир.

Кўпчилик иқтисодиётшунос муаллифлар орасида шундай қарашлар мавжудки, давлат тадбиркорлиги иқтисодиётни давлат томонидан тартибга солишнинг самарали иқтисодий шакли ҳисобланади. Албатта, ушбу фикр кенг маънодаги давлат тадбиркорлиги фаолиятига тааллуқли. Аммо, тор маънодаги, яъни давлат органларининг тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланиши масаласи ўз ечимини топмаган ва топиши лозим бўлган чигал масалалардан бири бўлиб қолмоқда.

Давлат тадбиркорлиги ҳуқуқий мақомининг белгиланиши давлатнинг ўз ихтиёридаги иқтисодий ва молиявий ресурсларни актив ҳолатга ўтказган ҳолда бозор механизмлари асосида даромад кўриш имкониятларини янада оширишга хизмат қилади.

Хулоса қилиб айтганда тадбиркорлик фаолиятининг юридик хусусиятларини белгилашда унинг иқтисодий жиҳатларини инобатга олиш лозим. Зеро, тадбиркорлик фаолияти, аввало, иқтисодий фаолият ҳисобланади. Тадбиркорлик фаолиятининг иқтисодий жиҳатлари унинг юридик жиҳатларига нисбатан бирламчи хусусиятга эга. Тадбиркорлик субъекти тушунчасининг мазмунига концептуал даражада таъсир этувчи «иқтисодий фаолият», «хўжалик фаолияти» ва «тадбиркорлик фаолияти» тушунчаларининг ўзаро муносабатлари бўйича ҳалигача илмий адабиётларда ҳам, ўқув адабиётларида ҳам яқдиллик мавжуд эмас. Ҳатто, кўп ҳолларда ушбу тушунчалар синоним сифатида эътироф этилмоқда. Қонун ҳужжатлари таҳлили ҳам ушбу тушунчалар муносабатини аниқлаштирувчи норма мавжуд эмаслигини кўрсатади.

ФЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР:

1. Каримов И.А. Мамлакатимизни модернизация қилиш ва иқтисодийтимизни барқарор ривожлантириш йўлида. – Тошкент: Ўзбекистон, 2008.
2. Муфтайдинов Қ. Иқтисодий эркинлаштириш шароитида тадбиркорликни ривожлантириш муаммолари: Иқтисод. фан. д-ри. ... дис. – Андижон, 2004.
3. Гайбуллаев Р.М. Ўзбекистон Республикасида тадбиркорликни ривожлантиришнинг иқтисодий механизмини такомиллаштириш: Иқтисод. фан. д-ри. ... дис. – Тошкент, 2005.
4. Beknazov N. Iqtisodiyot nazariyasi: Darslik. – Тошкент, 2005.
5. Абдурахмонова М.М. Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни давлат томонидан қўллаб-қувватлашни такомиллаштириш: Иқтисод. фан. номз... дис. – Фарғона, 2012.
6. Абдусаломов М.Э. Тадбиркорлар ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилишнинг фуқаролик-ҳуқуқий усуллари ва муаммолари: Юрид. фан. номз... дис. – Тошкент, 2003.
7. Алиев Ғ.Н. Яқка тартибдаги тадбиркорлик фаолияти субъектларининг фуқаролик-ҳуқуқий мақоми: Юрид. фан. номз... дис. – Тошкент, 2007.
8. Қувандиқов З.О. Тадбиркорлик фаолияти субъектларини фуқаролик-ҳуқуқий тартибга солиш муаммолари: Юрид. фан. номз.. дис. Тошкент, 2009.
9. Белых В.С. Правовое регулирование предпринимательской деятельности в России: Монография. – Москва, 2005.
10. Каширина Ю.П. Гражданско-правовой статус индивидуальных предпринимателей в Российской Федерации: Автореф. дис. ...канд. юрид. наук. – Краснодар, 2012.
11. Мороз С.П. Предпринимательское право Республики Казахстан: Курс лекций. – Алматы: КОУ, 2008.

12. Лаптев В.В. Понятие и признаки субъекта предпринимательского права / Предпринимательское (хозяйственное) право: Учебник. – Москва, 2006.
13. Қувандиқов З.О. Тадбиркорлик фаолияти субъектларини фуқаролик-хуқуқий тартибга солиш муаммолари: Юрид. фан. номз... дис. – Тошкент, 2009.
14. Азизов Х., Широнов Ж., Бакаев Ш. Тадбиркорлик субъектлари фаолиятини фуқаролик-хуқуқий тартибга солиш: Монография. – Тошкент, 2013.
15. Ўзбекистон Республикаси йиллик статистик тўплами. – Тошкент, 2015.